

НУТҚ МАДАНИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА ОАВ тили

Нутқ маданиятининг этик аспекти талқини ва ОАВ тили (3-мақола)

Маълумки, маънавият тилдан, тил маданиятидан бошланади. Тилнинг мавжуд барча воситалари ва уларнинг имкониятларидан мақсадга мувофиқ тарзда ўринли, тўғри фойдаланган ҳолда тузилган нутқ маданий нутқдир. Нутқ маданияти ана шу тилни, алоқа аралашув куралини қанчалик маҳорат билан ишлатишга бўлган муносабатдир. Кейинги йилларда этикетларнинг турли хусусиятларини ўрганишга эътибор анча ошди¹. Этикетнинг ўзига хос хусусиятлари нафақат тилшунослик, балки маданиятшунослик фанининг ҳам тадқиқот объектларидан ҳисобланади. Масалан, “Муомала маданияти” номли дарсликда “Этикет – муомала маданиятининг замонавий кўриниши сифатида” ўрганилиб, этикетнинг турлари таҳлил этилган.²

Этикет - ахлоқий маданиятда яққол кўзга ташланадиган муносабатларнинг кўринишларидан бири. У кўпроқ инсоннинг ташқи маданияти, ўзаро муносабатларидаги ўзини тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Агар муомала одобидан инсон ўз муносабатларига ижодий ёндошса, яъни бир ҳолатда бир неча хил муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун қоидалаштириб қўйилган ҳатти-ҳаракатни тақозо этади. Этикет кенг қамровли тушунча бўлиб, у, маълум маънода, умумбашарий миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади.

Намунавий нутқнинг асосий талабларидан яна бири айтилмоқчи бўлган муддаонинг тингловчига тўғри ва аниқ бориб етиши, маълум таъсир ўтказиши назарда тутилади ҳамда бу масалаларнинг амалга оширилишида нутқ олдида айрим талаблар қўйилади, бу эса коммуникатив аспект муаммоларидан ҳисобланади.

Нутқий этикет дейилганда, сўзлашув одоби қоидаларини тартибга солувчи миллий, ўзига хос стереотиплар, суҳбатдош билан алоқа ўрнатиш, алоқани танланган тоналикда давом эттириш ёки тугатиш учун қабул қилган формулалари назарда тутилади.

Мурожаат бирликлари нутқий этикетнинг, нутқ жараёнининг ажралмас ва ҳал қилувчи бир қисми бўлиб, у тингловчининг эътиборини тартибга қолмай, уни баҳолаш-характерлаш, яъни сўзловчининг шахсий муносабатини ҳам ифодалаш хусусиятига эга. Улар ўзида ўзбек халқининг қадриятлари, урф-одатлари, миллий ўзлиги, шунингдек, ўзбек нутқ маданиятининг нозик

¹ **Тешабоева Д.** Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида): Филол.фан.доктори....дис. автореферати. – Тошкент, 2012, 35-б.

² **Хусанов Б., Ғуломов В.** Муомала маданияти. – Тошкент, 2007, 95-116-б.

жиҳатларини кўрсатиб берувчи нутқ бирликларидир.

Мурожаат бирликлари нутқда пропозитив, пресуппозитив ва коннотатив маъно ифодаладиган шаклларда реаллашади. Булар ўзига хос морфологик ҳамда синтактик хусусиятга эга Мурожаат бирликлари нутқда бир неча вазифани бажаради: тингловчини нутқ жараёнига ундайди (апеллятив), уни номлайди (номинатив), сўзловчининг шахсий муносабатини ифодалайди (коннотатив, эмотив), мулоқот ўрнатади (коммуникатив), нутқ жарайнини мустаҳкамлайди. Бундай бирликлар ёшга, жинсга, ижтимоий мавқега, таниш-нотанишлигига кўра қўлланиши билан фаркланади³.

Мурожаатнинг диалогик нутқ билан боғлиқ ҳолдаги ижтимоий моҳияти ҳақида Х.Дониёров ва Б.Йўлдошевнинг «Адабий тил ва бадиий стиль» асарида сўз юритилган бўлса, С.Мўминов, Ш.Искандароваларнинг илмий тадқиқотларида мурожаат шакли мулоқот одоби ва барқарор нутқ одатлари бўйича таҳлил қилинган. Б.Х.Раҳматуллаеванинг диссертациясида ўзбек тилида мавжуд бўлган мурожаат шакли рус тилидаги мурожаат шакли билан таққосланган ҳолда тадқиқ этилган⁴.

Тилнинг асосий функциясиалбатта, мурожаат билан ҳам боғланади. Масалан, апеллятив вазифа-чақирув бевосита мурожаат билан алоқадордир. Чақирув тингловчига қаратилган бўлади ва бу орқали у нутқни эшитиш ҳамда қабул қилишга чақирилади. Алоқа ўрнатиш функцияси заминида ҳам мурожаат билан боғлиқ тушунчалар ётади: бу вазифа тингловчини хабар - маълумотни қабул қилишга тайёрлаш, унинг эътиборини тортиш орқали бажарилади. Умуман, тилнинг барча вазифалари-коммуникатив, эмотив, волюнтатив, алоқа ўрнатиш соқоатив, репрезентатив функциялари сўзловчи ва тингловчи орасидаги турли-туман муносабатларни ифодалайди. Чунки тил ҳар доим фикр узатиш (бу сўзловчи учун) ҳамда фикр қабул қилиш, англаш (бу тингловчи учун) воситаси бўлиб келган. Мурожаатнинг мазмунан ҳар хил шаклланиши - қувонч, таъна, кўрқинч, гина, илтифот, нафрат каби маъно оттенкалари қўшилган ҳолда ифодаланиши, энг аввало, ижтимоий муҳит ва шароитдан келиб чиқадиган муносабатга боғлиқ⁵.

Этикетлар, хусусан, мурожаатлар инсонларнинг ўзаро муносабатини, симпатиясини юзага чиқаришда муҳим воситадир. Мурожаатнинг оғзаки нутқда ва ёзма нутқда ўзига хос турлари мавжуд. Уларнинг ОАВ да қўлланишида ўзига хосликларни кўриш мумкин. Нутқий сўзлаш этикет фор-

³ **Аҳмедова Н.** Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол.фан.номзоди...дис.автореферати. – Тошкент, 2008. – 25 б.

⁴ **Дониёров Х., Йўлдошев Б.** Адабий тил ва бадиий стиль. - Тошкент: Фан, 1988, 24-б.

Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш(шахс микромайдони): Филол.фан. докт.... дис.автореферати . – Тошкент, 1999. - 47 б. **Мўминов С.** Ўзбек мулоқот ҳулкининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол.фан. докт.... дис.автореферати . – Тошкент, 2000. –46 б.

⁵ **Акбарова З.** Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: Филол.фан.номзоди....дис.автореферати. – Тошкент, 2007. – 23 б.

мулалари ўз ичига мурожаат, саломлашиш, хайрлашиш, миннатдорлик, узр сўраш, таъзия изҳор қилиш, тилак ва табриклар кабиларни қамраб олади.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг байрам табриклари ва улардаги мурожаатлар. Радио ва телевидение билан бир қаторда газета саҳифаларида ўқувчига мурожаат, миннатдорлик мактублари, табриклар кўринишидаги одобга оид ибора ва жумлалар қўлланилиши кузатилади. Одатда, алоқа мурожаат орқали ўрнатилади. Мурожаат шаклини танлаш суҳбатдошлар ўртасидаги муносабатларнинг қандай бўлишини аниқлайди. ОАВ лари адресати ўз хоҳишига кўра журналист матни билан “бевосита” мулоқатга киришади. Публицистик матн муаллифининг асосий вазифаси адресатни ўзига яқинлаштириб, уни қизиқтиришдир. Бунга эришишда ўқувчига ҳурмат ва самимият билан мурожаат этиш одоб воситаси сифатида хизмат қилади.

Табрик ва мурожаатларнинг намунавий кўринишларига Президентимиз Ислом Каримов нутқлари мисол бўла олади. Газеталарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқимизга турли байрамлар, тарихий воқеалар муносабати билан йўллаган мактублари босилган. Ушбу табрикларнинг мурожаат билан бошланиши ўқувчи диққатини тортади ва Президентнинг халқимизга нисбатан самимий муносабатини кўрсатади. М., *“Азиз, қадрли ўғлонларим – ватандошлар.”*, *“Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Азиз аскар ва сержант ўғлонларим!”*, *“Қадрли офицер ва генераллар, муҳтарам фахрийлар!”*, *“Азизларим, биродарларим...”*, *“Муҳтарам юртдошларим!”*.

Президент Ислом Каримовнинг ўзбек хотин-қизларига байрам табриги *“Муҳтарам онахонлар, қадрли опа сингиллар, дилбар қизларим!”* мурожаати билан бошланади. Бу эса ҳар бир ўзбек аёлининг кўнглида меҳру муҳаббат туйғуларининг мавж уришига сабаб бўлади.

Юртбошимиз байрам табригини якунлар экан, барча ўзбек аёлига чексиз ҳурмат билан нутқини қўйидагича якунлайди: *“Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларингиз бахтига доимо омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!”* (ХС, 08.03.13).

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида *“Азиз ватандошлар”, “Муҳтарам меҳмонлар”, “Қадрли юртдошларим”, “Азизларим, қадрдонларим”* каби мурожаат кўринишларини кузатамиз.

Президентнинг Ўзбекистон халқига янги йил табриги ва Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзларидаги *“Азиз юртдошларим!”*, *“Қадрли дўстлар!”*, *“Азиз дўстларим, қадрдонларим!”*, *“Муҳтарам дўстлар!”*, *“Азиз ва муҳтарам ватандошларим!”* каби мурожаатлари эътиборни ўзига тортади.

Президентимизнинг байрам табрикларидаги мурожаатлар ўзбек халқига бўлган самимий муносабатнинг юксак намунаси ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Президентига хорижий давлатлар раҳбарларининг байрам табриклари ва улардаги мурожаатлар. Газета саҳифаларида мамлакатимиз Президенти И.Каримов ва Ўзбекистон халқига келган табриклар байрамлар муносабати билан мунтазам бериб борилади. Ана шундай матнларда

этикет формулалари қўлланилишини ҳам кузатиш мумкин. Бундай номалар кувонч, изҳор, умидни ифодаловчи ибораларни ўз ичига олади ва у доимо мурожаат билан бошланади: *“Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Жаноби Олийларига...”*

“Жаноб” этикет формуласи жамиятнинг юқори қатламига нисбатан ишлатиладиган шакли бўлиб, *муҳтарам* ёки *хурматли* сўзи билан бирга қўлланилади. *Жаноб + муҳтарам, жаноб+ фамилия, олийлари*. Масалан, *“Муҳтарам Президент Жаноблари...”*, *“Жаноби Олийлари”*, *“Азиз Ислон Абдуғаниевич”* (ХС, 03.09.13).

Айрим табрикларда этикетга оид ибораларнинг миллий хусусиятлари яққол кўзга ташланади. М., *“Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотух”* (ХС, 02.04.13). Бундай номаларда умид, кувонч, хоҳиш, тилак формулаларини кўриш мумкин: *“Ишончим комилки мамлакатимизни боғлаб турган самимий дўстлик ришталари бундан буён ҳам мустаҳ-камланиб, равнақ топиб бораверади”* (ХС, 03.09.13).

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келганлигининг гувоҳи бўлдик. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, омонлик, осойишталик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор қилинган. Жумладан, Россия Федерацияси Президенти томонидан йўлланган табрик куйидаги мурожаат билан бошланади: *“Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич”*. Худди шунингдек, Хитой Халқ Республикаси Раиси ва Америка Қўшма Штатлари Президенти томонидан йўлланган табриклар *“Жаноби Олийлари!”* мурожаати билан бошланади. Америка Қўшма Штатлари Президенти табрик аввалида *“Муҳтарам Президент Жаноблари”* этикети билан мурожаат этади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Газетадаги номалар қайсидир маънода дипломатик муносабатлар ойнаси бўлиб хизмат қилади. Сиёсий номалардаги этикет формулалари ўзининг расмийлиги билан ажралиб туради. Кузатишлардан маълум бўладики, ана шу формулалар ҳам миллийлик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади.

3. Турли муассаса ва ташкилотларнинг халқимизга байрам табриклари. Газета саҳифаларида байрам муносабати билан турли муассаса ва ташкилотларнинг халқимизга йўллаган қутловлари босилади. Барча байрам табриклари аввалида бутун халққа йўлланган қутлов ва табрик сўнгида эса тилак ва истаклар ўрин олган. Жумладан, Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги муносабати билан *“Асака”* банкининг байрам табриги куйидаги жумлалар билан бошланади: *“Асака банки жамоаси ватандошларимизни энг улуг ва энг азиз байрам - Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги муносабати билан самимий қутлайди!”*. Табрик қисми яқунлангач, халққа йўлланган куйидаги тилакларни ўқиш мумкин: *“Мустаҳкам оила йилида сизларга сиҳат–саломатлик, омонлик, мамлакатимиз равнақи ва халқимиз*

бахту саодати йўлида олиб бораётган барча эзгу ишларингизда улкан омадлар тилаймиз”.

Ёки “Боғотдон” очик акциядорлик жамияти табриги аввалида халқимизни Наврўз байрами билан қутлайди, *”Юртимиз тинч, кўнглимиз обод бўлсин. Хирмонлар донга, тандирлар нонга тўлсин”* жумлалари билан байрам табригини якунлайди.

Турли муассаса ва ташкилотлар томонидан йўлланган байрам табриклари мурожаатли ёки мурожаатсиз бўлиши билан бир-биридан ажралиб туради. Қуйидаги байрам табриклари мурожаатсиз эканлиги билан характерланади: *”Ҳамид Олимжон номидаги мусиқа ва драма театри жамоаси юртдошларимизни Наврўзи олам билан табриклайди. Омад ва қувонч сизни ҳеч қачон тарк этмасин”*(З., 21.03.13).

Ёки “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси жамоаси халқимизни янгилиниш, яшариш айёми Наврўз байрами билан самимий табриклайди (ЎО, 19.03.13).

“Саммададтранс” масъулияти чекланган жамияти жамоаси йўллаган табрик мурожаат билан бошланади: *”Азиз Самарқандликлар ва юртимиз меҳмонлари! Сизни улуг айём - Наврўзи олам билан қутлаймиз. Байрам шукуҳи ҳар бир хонадонга хурсандчилик, Барака олиб кирсин. Ҳаётимиз бунданда фаровон, бунданда обод бўлаверсин”*(З., 21.03.13).

Ёки “УЗМОБИЛЕ” компаниясининг Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги муносабати билан байрам табрига ҳам мурожаат билан бошланади: *“Азиз ватандошлар! Ҳамма-ҳаммангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, бунёдкорлик ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!”*(ХС, 22.08.12).

4. Табрикларнинг тили ва услуби. Ҳар қандай тилдаги нутқ одоби миллий хусусиятга эга. Аксарият байрам табрикларида лисоний дид, халқнинг миллий ахлоқий удумлари, менталитети, эстетик тажрибаси намоён бўлганини кўриш мумкин. Мурожаат ва табриклар лисоний хусусиятларининг культурологик аспектда ўрганилиши юқори нутқ маданиятига эриши учун ҳам муҳимдир. Хусусан, Президент И.Каримовнинг байрам табриклари тили ва услуби алоҳида ажралиб туради. Президентимиз нутқларида кўплаб эмоционал-экспрессив ва ниҳоятда самимий сўзларни учратамиз. Жумладан, Президентимизнинг ўзбек хотин-қизларига байрам табригида самимийлик ифодаси бўлган қуйидаги жумлалар келтирилган: *”...беқиёс хизматларингиз учун бутун юртдошларимиз, халқимиз номидан барчангизга таъзим қилишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан”*(ХС, 08.03.13).

Президентимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида қуйидаги жумлаларда ҳушмуомалик, мамнунлик сифатларини кузатамиз: *”Барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги дилбар айём билан қутлаб, юрагимда, қалбимда бўлган самимий тилакларни билдираман”*(ЎО, 20.03.13).

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигир-ма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида қуйидаги жумлалар эътиборимизни тортади ва ҳар биримизни олға интилишга чорлайди:

"...ўз танлаб олган йўлидан ҳеч қачон - мен такрор айтаман - ҳеч қачон ортга қайтмайди" (ХС, 01.09.12).

ОАВ да журналист(адресант), нутқ этикетининг қоидаларига мувофиқ, мулоқот вазиятига кўра турли этикет иборалари, мурожаат, саломлашиш, хайрлашиш кабилардан фойдаланади. Адресат адресант билан муносабат ўрнатади. Этикет орқали шунга эришишга имкон туғдириш, ишонувчан ўқувчи, тингловчи, адресатга мурожаат ҳисобланади. Этикет формулаларининг газета саҳифаларида қўлланилиши радио ва телевидениега қараганда ноодатийроқ ҳисобланади. Радио ва телевидениеда телетомашабин ёки радиотингловчига билвосита мурожаат қилинганда, журналистлар беихтиёр нутқ одоби доирасидаги ибораларни ишлатишади. Газетада бундай ҳол кузатилмайди. Газета саҳифаларида ўқувчига мурожаат, миннатдорлик мактублари, табриклар кўринишидаги одобга оид ибора ва жумлалар қўлланилиши кузатилади.

ОАВда мурожаат этикетнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. ОАВ адресати, мухлис ўз хоҳишига кўра журналист матни билан бевосита мулоқотга киришади. Адресант ва адресат ўртасида шахслараро ҳамдардлик, розилик, бахс-мунозара, ёқтирмаслик каби муносабатлар юзага келади.

1. Муаллиф ўқувчига тўғридан-тўғри мурожаат этиши мумкин. Масалан: *"Ҳурматли ўқувчи! Азиз муштарийлар, ушбу руқн сизнинг кўп сонли таклиф ва талабларингиз асосида таъкил этилгани сир эмас..."*. (М., 30.01.09).

2. Муаллиф ўз ўқувчисини бирор бир ҳаракатни биргаликда амалга оширишга чақириши мумкин: *"Фараз қилайлик, ... ушбу ҳолатдан ҳеч кимни муҳофаза қилиб бўлмайди "* (Т., 17.09.05).

Радио ва телевидениеда мурожаат шакллари деярли барча эшиттириш ва кўрсатувларда ишлатилади. Мурожаатлар фақат мухлисга эмас, балки кўрсатув жанрига қараб, студияга таклиф этилган меҳмонларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, газета ва телевидениега қараганда радиода этикет формулаларининг қўлланилиши(мурожаат) ўзининг турли туманлиги ва радио ва телеэфирда доимо қўлланилиши, эшиттиришнинг расмий, норасмийлига боғлиқлиги билан ажралиб туради. М., расмий, яъни информацион жанрларда: *қадрли мухлислар, азиз радио тингловчилар, муҳтарам тингловчилар, ҳурматли радиомухлислар, азиз юртдошлар, Ассалому алайкум эфирда..., Азиз тингловчилар ...эфирда; Ассалому алайкум, ҳурматли радиотингловчилар...; Салом азиз мухлислар...; Ассалому алайкум, азиз юртдошлар; Ҳурматли радиомухлислар...; Азиз юртдошлар... ; Қадрли радиомухлислар....*

Мурожаатдан кейин хурсандлик ва мамнунлик иборалари қўлланилишини кузатишимиз мумкин: *«Ассалому алайкум, азиз юртдошлар, муҳтарам мухлисларимиз. Соғ-саломат бормисиз, омон-эсон бормисиз»* (Р. Ёшлар. 10.12.05); *«Ассалому алайкум, азизларим сизлар билан яна учрашаётганимдан бениҳоя хурсандман»* (Р. Ёшлар. 10.12.04). Айрим эшиттириш ва кўрсатувларда *“бениҳоятда”* сўзи ишлатилади, бу эса ғализликни юзага чиқаради.

Саломлашиш + саломга алик олиш кўпроқ интерактив эшиттиришларда қўлланилади. М.: *"Ваалайкум ассалом, ўзингизни таништиринг"*. (Р.Тошкент. 15.05.08).

Д.Тешабоевнинг докторлик диссертациясида газета, радио ва телевидениедаги этикетлар бой фактлар асосида атрофлича таҳлил қилинган (Тадқиқотчининг айрим мисолларидан фойдаландик, бу соҳада махсус тадқиқотни давом эттирамиз). Миллий менталитетимиз нуқтаи назаридан саломлашишнинг тўлиқ шакллари бор, лекин “салом”, деб мурожаат қилиш, айниқса, радиога одатий ҳолга айланиб бормоқда. Қуйида шу хилдаги салом-мурожаатларни келтирамиз:

Саломлашиш + мурожаат: *"Салом алайкум, қадрли мухлис..."*. (Р. Ёшлар. 15.06.03).

Миллий менталитетимиз талабларига мос ҳолда саломлашиш ОАВ да ўз ўрнига эга: “Ассалому алайкум”, “Ваалайкум ассалом”. Лекин кўнгилочар дастурларда, бевосита мулоқотга асосланган эшиттиришларда қадриятларимизга мос бўлмаган саломлашиш оддий ҳолга айланиб бормоқда. “Салом”, ҳатто “привет” кундалик саломлашишга айланиб бормоқда.

Фақат бир мухлисга мурожаат қилиниши ҳам мумкин: *"Албатта қадрлимухлисам..."* (Р. Ёшлар. 04.08.07).

Мурожаат информация охирида бўлиши мумкин: *"Сизларга маълум қилмоқчи бўлган хабарлар ана шулардан иборат эди, азиз дўстлар."* (Р. Ўзбекистон. 13.02.08). Мурожаат мулоқотни суҳбат ўртасида узиб қўймаслик учун ҳам қўлланилиши мумкин: *"Қадрли дўстлар, биз билан хайрлашмайсиз деган умиддамиз..."* (Р. Пойтахт. 15.02.09).

Саломлашиш+мурожаат+илтимос: *"Яна бир марта салом дея, қадрли мухлислар Сизлардан қуйидаги рақамга 133-59-95 қўнгиноқ қилишингизни илтимос қиламиз..."* (Р. Ёшлар. 04.05.05).

Сўнги йилларда радиога оммага, яқка мухлис сифатида мурожаат қилинишини учратиш мумкин. Бундай мурожаатлар кўпинча кўнгилочар дастурларда кузатилади. М.: *«Ассалому алайкум, азиз мухлис..."* (Р. Ёшлар. 04.03.05); *"Азиз тингловчи, мана мен яна сизлар билан..."* (Р. Ўз-тон. 05.10.04); *"Салом азиз аёл! Мана бугун..."* (Р. Ёшлар. 08.03.2008); *«Ассалому алайкум, дилкаш мухлисам»* (Р. Ёшлар. 03.05.07); *"Азиз тингловчи, саволингизга ... Рустам Маҳкамов жавоб беради"* (Р. Тошкент. 18.06.08).

Кечирим сўрашда журналист ўз нутқида хатоликка йўл қўйганда, уни тезда тузатиш жараёнида қуйидагича этикет ишлатилиши мумкин: *"Ҳозир сизлар учун Севара Назархон куйлайди, сўн(г)ра э-э-э-э кечирасиз сўнгра мен сизга кундалик..."* (Р. Пойтахт. 1.04.03); *"Бугун ҳафтанинг илк куни шанба, узр сўнги куни демоқчи эдим..."* (Р. Грант. 14.05.08); *"Узр, гапингизни бўлдим..."* (Р. Ёшлар. 1.07.09).

Хайрлашиш + тилак билдирувчи: *"Бошим кўкка етгунча... хайрлашиб қоламан"* (Р. ОД. 14.06.06).

Таҳлиллар кўрсатадики, телевидениеда ҳам радио сингари, этикет формулаларининг қўлланилиши ўзига хос хусусиятга эга. Этикет формулалари кўрсатув жанридан келиб чиққан ҳолда қўлланилади. Хайрлашиш формулаларининг қўлланилиши андозалиликка эга. М.: *"Сизлар билан студияда.... эди. Хайр... саломат бўлинг..."* (ТВ. Пойтахт. 21.09.05).

Хайрлашиш формулалари билан бирга тилак билдириш формулалари ҳам шнлатилади: *сизларга хайрли ва осуда тун тилаган ҳолда....; марокли дам олишингизни тилаган ҳолда...; соғ омон бўлинг...; дам олиш кунларингиз кўнгилдагидекўтсин...; сизга омад тилаб... ва б.*

Этикет формулаларини қўллаш тилнинг миллийлик хусусиятлари билан боғлиқлигини кузатиш мумкин: *"Азизлар, 29 июл тонггида сиз учун тайёрлаган дастуримиз ҳам ниҳоялаб бормоқда. Ҳаётда қувончли-ю шашвишли, шодлигу қайгули дамлар учраши мумкин. Яхши кунларга эришиш учун эзгу мақсадли бўлиш керак. Хайрли амалларни бажариш барчамизга насиб этсин дея, тонгги дастуримизни яқунлаймиз. Кўришгунча"* (ТВ. Ўзбекистон. 10.08.09).

Этикет формулаларини қўллашда кўп ҳолларда хатоликлар кузатилади: ннтонация бузилиши оқибатида, паузага амал қилмаслик оқибатида: *"Кўришгунча омон бўлинг", "Учрашгунча сизга соғлиқ ва омонлик тилаб"* (ТВ. Ишлар, 14.08.09). *Кўришгунча /омон бўлинг", "Учрашгунча / сизга соғлиқ ва омонлик тилаб"* - паузаларга тўғри амал қилимаслиги оқибатида тилак мазмуни бузилган.

“Ўзбекистон“ ва “Ёшлар” телеканалида кўрсатувларда ишлатилган этикетларга қуйида мисоллар келтирдик: Бошловчиларнинг хайрлашуви: *Омон бўлинглар. Хайр!* (“Ойдин ҳаёт” ток-шоуси. Ўзбекистон ТВ, 22.03.14. 20.10).

“Ўзбекистон” телеканали. “Ахборот” информацион дастурининг эрталабки сони. Бошловчи Лазиза Нозимхонова(Ўзбекистон ТВ. 23.03.14. 8.00). Бошловчининг хайрлашуви мазмунли: *Ижодий гуруҳимиз сизлар билан хайрашади. Баҳорий кайфият асло тарк этмасин!*

“Нуктаи назар” ток-шоуси(Ёшлар ТВ, 23.03.14. 20.10). Кўрсатувда хайрашув ўзига хос: *Жавоблар топилганда, саволлар ўзгараверади. Хайр.*

Ўзбек тилшунослигида мулоқот жараёни масаласи таҳлил этилган тадқиқотлар мавжуд. Нутқий этикетларнинг қўлланиш ҳолати, нутқ вазияти, мулоқот жараёнига таъсир қиладиган омиллар, лингвистик ва экстралингвистик воситалар, ОАВ тилида этикетларнинг қўлланиш ҳолатини жанрлар нуктаи назаридан ўрганиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

ХУЛОСА

1. Мустақиллик йилларида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш борасида катта ютуқларга эришилди. Матбуот материаллари, телекўрсатув ва радио-эшиттиришлар савияси давр талабига мос равишда тубдан ўзгарди. Журналистларнинг ахборот олиш, уларни таҳлил қилиш, саралаш, аҳолига етказиш соҳасида имкониятларини янада кенгайтириш ва уларнинг эркин ижод қилишлари учун шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистондаги барча ОАВ фаолияти учун етарли ҳуқуқий асослар мавжуд.

2. ОАВ орасида матбуот, телевидение ва радионинг бугунги кундаги имкониятлари катта. Улардан оқилона фойдаланиш жамоатчилик фикрини шакллантиришда, оммани йўналтиришда, маълум маънода бошқаришда ниҳоятда фойдали восита ҳисобланади. Ҳозирги глобаллашув жараёнида интернетнинг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда интернетдан фойдаланувчилар

ва унда турли мақолалар, маълумотларни эълон қилувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Бу жараён эркин фикр билдириш, тезкор маълумот тарқатиш имкониятини беради. Лекин, муаммо шундаки, интернет орқали, кўпинча, жамиятмиз сиёсати, миллий-маънавий қадриятларга мос келмайдиган, «оммавий маданият»ни тарғиб этувчи материаллар эълон қилинмоқда. Кўплаб материалларнинг нутқ маданияти нуқтаи назаридан савияси анча пастлиги маълум бўлмоқда. Энг муҳим вазифа фуқароларимиз, айниқса ёшлар ҳолис, тезкор, аниқ, мазмунли, таъсирчан ахборотни Республика матбуоти, радио ва телевидениси орқали олишларига эришиш зарур.

3. Ўзбекистон ОАВ, хусусан, газета тили ва услуби, жанрлар хусусиятлари, журналист маҳорати ёритилган илмий тадқиқотлар яратилган, амалий ишланмалар тайёрланган. Телевидение ва радио тили, бошловчи ва журналист маҳоратини ўрганиш соҳасида муайян ишлар бажарилган. Журналистика ва тилшунослик фанлари олдида турган вазифалардан энг долзарби интернет журналистикаси жанрларининг назарий асосларини таҳлил қилиш, тили ва услубини тадқиқ этишдан иборат. Чунки публицистикадаги каби жанрлар қоришиқлиги интернет журналистикасида аниқроқ сезилмоқда, бу ҳолат алоҳида тадқиқотни талаб этади. Интернетга маълумот берувчилар ва интернетдан фойдаланувчиларнинг саводхонлиги, нутқ маданияти ва маҳоратига салбий таъсир этувчи ҳолатлар ҳамон кўплаб учрамоқда. Бу ҳолат махсус тадқиқотга эҳтиёж туғдирмоқда.

4. Матн таҳлиliga антропоцентриқ нуқтаи назардан ёндашиш бугунги тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бирига айланди. Мураккаб ва серқирра ҳодиса ҳисобланган матн тадқиқида сўзловчи - матн - тингловчи (ёзувчи - матн - ўқувчи) дан иборат учлик асосий объект бўлиши лозим. Матн ва шахс омили масалалари публицистик матн, яъни ОАВ тил материалларини тадқиқ этишни ҳам кун тартибига қўяди. Ҳозирги кунда ОАВ нутқнинг энг таъсирчан ва мақбул шакли, жамоатчилик фикри, қарашлари ва кайфиятларини шакллантиришнинг самарали механизми сифатида намоён бўлмоқда. Ҳозирги глобллашув жараёни ва ОАВ миқдорининг ошиши, телерадиомулоқотларда сўзлашув нутқининг баъзан устунлик касб этаётганлиги публицистик услуб хусусиятларида маълум ўзгаришлар бўлишига сабаб бўлмоқда. Баъзи телемулоқотлар оддий сўзлашув жараёнига ўхшаш бўлиб қолмоқда. ОАВ тили аслида тўла адабий тил ва унинг меъёрларига асосланади. Матн яратишда бунини алоҳида ҳисобга олиш зарур. ОАВнинг тили тилшунослик, журналистика, культурология, соуциология, психология фанлари ютуқлари асосида замонавий парадигмалар асосида ўрганилишини ҳозирги жараён талаб этмоқда.

5. ОАВ тили журналист маҳорати нуқтаи назаридан ҳам ўрганилиши лозим. Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати жанрлар имкониятларидан фойдаланиш даражаси, андозалилик ва экспрессивлик уйғунлигини жанрларда тўғри ифода эта олиш салоҳияти, тил бирликларини ахборотни таъсирчан етказиш учун танлай олиш каби мезонлар билан аниқланади. ОАВ тилини ўрганиш матнлар таҳлили, жамиятдаги янгиланишлар, инсон тафаккури, дунёқарашидаги ўзгаришлар, миллий урф-одат ва қадриятлар, миллий

маданиятимизга умуминсоний маданиятнинг таъсири, бағрикенглик, маданиятларнинг ўзаро таъсири каби масалалар билан яхлитликда амалга оширилиши зарур. Бу соҳада жаҳон тилшунослиги ютуқлари билан бирга ўзбек тилшуносларининг ҳам муайян илмий тадқиқотлари мавжуд.

6. Публицистика жанрлари имкониятларидан тўла фойдаланиш, материалларнинг жанрий ранг-баранглигини таъминлаш, ахборотларни аниқ, холис, таъсирчан шаклларда етказиш, тилдан фойдаланиш маҳоратини тинмай ошириб бориш соҳаларида муайян ютуқларга эришилмоқда. Аксарият материалларнинг савияси, маълум жанр талабларига мослиги эътиборни тортади. Шунга қарамадан, ОАВ материаллари ифодасида жанрлар имкониятларидан тўла фойдаланмаслик ёки публицистика жанрларини фарқламаслик бўйича маълум камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. 20 га яқин газета жанрлари бўлгани ҳолда, кўплаб республика газеталарида, асосан, хабар, мақола, корреспонденция, лавҳа, репортаж, интервью жанрларидан фойдаланилмоқда. Кейинги йилларда таҳлилий ва танқидий мақола, очерк, фельетон, тақриз, шарҳ, обзор, эссе жанрларидаги материаллар миқдори нисбатан камайиб бормоқда. Кўплаб нодавлат газеталарида эса асосан хабар, интервью, баъзан кичик мақола жанрларидан фойдаланилаяпти, холос.

Ҳозирги ахборот оқими кучайган бир даврда газеталарда жанрлар имкониятидан тўлиқ фойдаланмаслик газетхонлар эътиборининг сусайишига сабаб бўлиши мумкин. Чунки қисқа хабар, ахборотни интернет орқали бемалол ўқиб олиш имконияти мавжуд. Аслида ҳозирги давр талабини тўла англаб етиш, воқеа-ҳодисаларни теран таҳлил қилиш, тегишли хулосалар чиқариш учун оддий хабар, ахборотнинг ўзи етарли эмас. Газета материаллари маълум бир хабарни етказиш билан бирга газетхон онгига таъсир этиши, уни қизиқтириши, мулоҳазага чорлаши, белгиланган аниқ мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун руҳлантириши ёки даъват этиши лозим. Газета материалларининг ранг-баранглиги ёки улар учун асосий мезон - таъсирчанлик таъминланмаса, бундай ахборотлар газетхонни бефарқ қолдиради, газета ўқишдан бездиради. Газетхон учун сараланган, холис, аниқ маълумотлар, таҳлил этилган ва муаммоларнинг ечими кўрсатилган материаллар зарур. Ҳозирги кунда газеталарда жанрлар имкониятлари ва тилдан фойдаланиш соҳасида айрим камчиликлар мавжуд. Баъзи материалларнинг жанр хусусиятини белгилаш ниҳоятда қийин. Тилдан фойдаланишда маҳорат етишмаслиги ҳоллари мавжуд.

7. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, бу соҳадаги қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий асосларни кучайтириш билан бирга журналист кадрларнинг малакасини ошириш билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Журналистнинг маҳорати эса ахборотни таъсирчан шаклларда етказиш кафолатидир. Таъсирчанлик, яъни оммавийлик, образлилик, эмоционаллик ва экспрессивлик, аниқлик, ихчамлик ва мунозаралилик каби муҳим хусусиятлар журналистдан жанр ва тил маҳоратини пухта эгаллашни талаб этади. Газетанинг ранг-баранг жанрларида яратилган, касбий маҳорат билан ёзилган, адабий тил меъёрларига тўла жавоб берадиган таъсирчан материаллари газетхон эътиборини тортади, уни сараланган, таҳлил этилган, асосли, аниқ ахборот билан таъминлайди.

Нодавлат газеталарида нашр этилаётган газета жанрларига оид барча материаллар, нодавлат телеканаллари ва радио студияларининг айрим жанрларга доир материалларининг тили ва услубини алоҳида таҳлил этиш, жанрлар имкониятларидан фойдаланишда журналист ва бошловчиларнинг маҳоратини ёритиш, адабий меъёрга риоя этиш ҳолатини баҳолаш, илмий хулосалар ва амалий тавсиялар баён қилиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

8. Газета тилида экспрессивликни юзага чиқаришда турли лингвистик ва экстралингвистик омиллардан фойдаланилади. Газета матнларида эмоционал-экспрессив бўёқли сўз, окказионал сўз яшаш, перифраза, троп ва фигуралар, фразеологик ибора трансформацияси, турли хилдаги сўз ўйинлари, инверсия, гап имкониятлари экспрессивликни юзага чиқаришда муҳим воситалар саналади. Таъсирчанликка эришиш ва унинг кучини оширишда сарлавҳалар ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги пайтда газета сарлавҳаларининг таъсирчанлигини ошириш учун прецедент матнлардан фойдаланиш кўпайиб бормоқда. Газета тилида ахборотни таъсирчан етказишнинг яна бир усули баҳо қийматига эга лексикадан самарали фойдаланишдир. Экспрессивликни таъминловчи омиллар махсус ўрганилиб, илмий натижалар бўйича журналистлар учун амалий қўлланмалар яратилиши зарур.

9. Журналистнинг нутқий маҳорати нутқнинг меърий, коммуникатив сифатлари, этик(ахлоқий) имкониятларини пухта билиши ва уни амалда қўллай олиши билан белгиланади. Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, софлиги, жўялилиги, мантиқийлиги, ифодалилиги, образлилиги, таъсирчанлиги, соддалиги, қисқалиги, бойлиги каби хусусиятларни журналист пухта билиши шарт. Нутқнинг сифатлари адабий меъёр билан боғлиқ. Демак, журналист ўзбек адабий тили меърларини юқори даражада ўзлаштириши лозим. Радио ва телевидениедаги ўзига хосликлар нутқ маданиятига эътибор билан уйғунлаштирилиши лозим.

10. ОАВ тилининг адабий тил меъёрларига тўла мослиги, нутқ тозалигини таъминлаш соҳасида радио ва телевидение тили намуна вазифасини бажариши лозим. Ушбу вазифани телерадио журналистлари муайян даражада яхши уйдлашяпти. Айниқса, “Ахборот”, “Давр” информацион дастурлари, “Таҳлилнома”, “Давр ҳафта ичида”, “Кўзмунчоқ” каби дастурлар, айрим ток-шоуларда журналист ва бошловчи нутқининг равонлиги, тозаллиги, мантиқийлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Шунга қарамасдан, айрим журналистлар баъзан шошма-шошарлик қилиб, шевага хос сўзларни бемалол ишлатишяпти. Баъзи журналистлар нутқида “нима десам, нима дейиш мумкин”, “анақа”, “хўш” каби паразит сўзлар қўлланилмоқда. Маънавий-маърифий кўрсатувларнинг мавулари долзарб бўлишига қарамасдан, бошловчи ва иштирокчилар нутқига етарли эътибор бермаслик ҳоллари содир бўлмоқда (“Муносабат”, “Сўз – ёшларга”), айрим кўнгилочар кўрсатув (“Имкон-шоу”, “Қопқон”) ва эшиттиришлар (SMS хабарларини ўқиб эшиттириш каби) масхарабозликка, нутққа эътиборсизлик майдонига айланиб бормоқда. Информацион дастурларда интервью берувчилар нутқининг тозаллиги, ток-

11. OAB òèèè ÿçáâê ìèèèàòèìéíã áópê ìãðîñê
 Òèñîáèàíìèø ÿçáâê òèèèìèéíã àæðàèìàñ áèð òàðîíîè, óíèíã
 êÿçáóñê, ñàáîãðîííèè àà íóðκ ìàãàìèýðè ìàìóíàñèàèð.
 Жóðíàèèñòèàðíèíã ÷èìàè àèäèèðèèè, òáíκèããà òíèèñ
 ìóíîñàààðèèíà OAB òèèèìèéíã ìàìóãàèèèèèèèè ñàκèáá
 κíèèèè, нутκ ìàãàìèýðèìèéíã ðèñàè áÿèèèèèè òèçìàð κèèèèè
 ìóìèèí. Æóðíàèèñòèàðíà ðèèáíãáí èàððà ìàñóèèèèèèèè
 àèèàè Òàì øó: OAB òèèè - ìàìóíàèèè òèè áÿèèá κíèèèè
 èíçèì.

**Абдували АБДУСАИДОВ,
Самарқанд давлат университети
ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири,
филология фанлари доктори,
профессор.**